

Шерзод КУЛМАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАБИЙЙ МОНОПОЛИЯЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада бугунги кунда мамалакатимизда табиий монополия корхоналарини фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг фаолиятини соддалаштириш юзасидан имтиёз бериш, ислоҳ қилиш йўналишида қабул қилинган қонунчиликдаги ўзгаришлар, уларни таркибий ислоҳ қилишда олиб борилаётган ишлар ҳамда табиий монопол корхоналар томонидан йўл қўйилган камчиликлар уларни бартараф этиш тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада табиий монопол субъектларини тартибга солишда ривожланган давлатларнинг тажрибалари ўрганиш орқали юртимизда ҳам қўллашни масалалари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, нарх, рақобат, табиий монополия, табиий монополия соҳалари, табиий монополия субъектлари, мустақил регуляторлар, яппи ички маҳсулот, олигаполия, истеъмолчилар, рақобатбардошлик, акциядорлик жамияти.

НАПРАВЛЕНИЯ И МЕТОДЫ РЕФОРМИРОВАНИЯ ЕСТЕСТВЕННЫХ МОНОПОЛИЙ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация. В статье рассматриваются изменения в законодательстве, принимаемые сегодня в нашей стране в целях регулирования деятельности субъектов естественных монополий и предоставления им льгот для упрощения их деятельности, проводимая работа по их реформированию, а также недостатки, допущенные субъектами естественных монополий, и их устранение. Также в статье рассматриваются вопросы применения в нашей стране путем изучения опыта развитых стран в регулировании субъектов естественных монополий.

Ключевые слова: национальная экономика, цена, конкуренция, естественная монополия, отрасли естественной монополии, субъекты естественной монополии, независимые регуляторы, валовой внутренний продукт, олигополия, потребители, конкурентоспособность, акционерное общество.

DIRECTIONS AND METHODS OF REFORM OF NATURAL MONOPOLIES IN THE NATIONAL ECONOMY

Abstract: The article discusses the changes in legislation adopted in our country today to regulate the activities of natural monopoly enterprises and provide them with privileges to simplify their activities, the work being carried out to reform them, and the shortcomings made by natural monopoly enterprises and their elimination. Also, the article discusses the issues of application in our country by studying the experiences of developed countries in the regulation of natural monopoly entities.

Keywords: national economy, price, competition, natural monopoly, industries of natural monopoly, subjects of natural monopoly, independent regulators, gross domestic product, oligopoly, consumers, competitiveness, joint-stock company.

КИРИШ

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришишда табиий монополиялар фаолиятини ислоҳ қилиш муҳим омиллардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, энергетика, сув таъминоти, транспорт каби соҳалардаги монопол тузилмаларнинг самарасизлиги нафақат иқтисодий ўсиш суръатларига, балки ижтимоий барқарорликка ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, давлат томонидан ушбу соҳаларни ислоҳ қилишга қаратилган сиёсий ирода, институционал асослар ва стратегик ёндашувлар миллий тараққиёт моделининг ажралмас қисми сифатида шаклланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта фондининг маълумотига кўра, “Табиий монополиялар билан боғлиқ бозорларда рақобат чегараланган бўлиб, бу ҳолатда давлатнинг тартибга солувчи функциялари фаол амалга оширилиши

лозим. Ислохотлар шаффофлик, самарадорлик ва жавобгарлик тамойилларига асосланган ҳолда олиб борилса, иқтисодий ўсишга кучли туртки беради”[1]. Табиий монополияларнинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари мураккаб тизимли ёндашувни талаб қилади, чунки улар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматлар кўрсатувчи субъектлардир. Айнан шу жиҳати билан уларни ислоҳ қилишда нафақат иқтисодий самарадорлик, балки ижтимоий адолат мезонлари ҳам эътиборга олиниши зарур.

Миллий иқтисодиётда табиий монополияларнинг мавжудлиги бозор механизмлари самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларни тақдим этувчи бундай субъектлар, кўп ҳолларда, рақобатнинг йўқлиги ва нарх шаклланишининг давлат томонидан тартибга солиниши билан характерланади. Ўзбекистонда энергетика, сув таъминоти, темир йўл ва транспорт хизматлари соҳаларида табиий монополиялар катта улушга эга бўлиб, уларнинг самарасиз фаолияти бутун иқтисодиётда тармоқлараро дисбалансни келтириб чиқариши мумкин. Мамлакатда амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари табиий монополияларни қайта ташкил этиш, уларда корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш ва инвестиция муҳитини яхшилашни талаб қилмоқда. Ислохотларнинг бош мақсади – монополия субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат. Бунда давлатнинг стратегик тармоқларга нисбатан ролини қайта кўриб чиқиш ва хусусий капитални жалб қилиш орқали монопол хизматларнинг сифатини яхшилаш муҳим вазифалардандир. Шу жиҳатдан, табиий монополияларни ислоҳ қилиш миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Табиий монополиялар кўп ҳолларда юқори инфратузилмавий харажатлар ва технологик тармоқларнинг ўзгача такрорланмас хусусияти билан изоҳланади. Иқтисодий назария нуқтаи назаридан, бундай субъектлар фаолиятида рақобат муҳитини сунъий йўллар билан яратиш ўрнига, уларнинг самарадорлигини тартибга солувчи механизмларни такомиллаштириш афзал ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистонда “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзтемирйўлийўловчи”, “Худудий электр тармоқлари” каби йирик монопол субъектлар

инфратузилмага боғлиқ аҳоли эҳтиёжларини қондиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бироқ уларда фойда ва харажатлар нисбати, молиявий шаффофлик, бошқарув тизимидаги бюрократик тўсиқлар ва инвестиция жалб этиш салоҳияти ҳали-ҳамон қониқарсизлигича қолмоқда. Бу эса нафақат соҳа ривожини, балки бутун миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини чеклаб қўяди. Табиий монополияларни ислоҳ қилишда шаффофлик, корпоратив бошқарув, соҳага хусусий инвестицияларни жалб этиш ва рақобатга яқин механизмларни жорий этиш муҳим ҳисобланади. Давлат ва хусусий сектор ўртасида самарали шериклик асосида монопол хизматлар сифатини ошириш – ислохотларнинг стратегик мақсадидир.

Иқтисодий ислохотлар шароитида табиий монополиялар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш миллий тараққиётнинг зарур шарти сифатида намоён бўлмоқда. Тармоқлараро мувозанатни таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш сифати орқали аҳоли фаровонлигини оширишда мазкур субъектларнинг роли ниҳоятда катта. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва МВФ каби халқаро ташкилотлар ўз таҳлилларида таъкидлаганидек, “самарали монополия ислохотлари макроиқтисодий барқарорликка хизмат қилади”[2]. Ўзбекистонда 2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган ислохотлар доирасида тариф сиёсати шаффофлигини таъминлаш, трансформация жараёнларини кучайтириш ва корпоратив ҳисобдорликни жорий этиш борасида жиддий қадамлар қўйилмоқда. Бироқ, давлатнинг назорат функцияси билан бозор механизмлари ўртасидаги мувозанат ҳали-ҳамон мукамал эмас. Монополия субъектлари фаолиятида ижтимоий масъулият, технологик модернизация ва сармоядорлар учун қафолатли ҳуқуқий муҳит яратиш каби мезонлар устувор аҳамият касб этмоқда. Ислохотларни чуқурлаштириш орқали монополия хизматларининг фойдаланувчилар учун шаффоф, тежамкор ва сифатли бўлиши таъминланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Табиий монополиялар ислохотлари давлатнинг иқтисодий сиёсатини тубдан янгилаш, тармоқлараро мувофиқликни таъминлаш ва инвестицион муҳитни яхшилаш каби кенг қамровли масалалар билан узвий боғлиқ. Аниқ

ислоҳот йўналишлари – корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, нарх сиёсатида бозор механизмларини жорий этиш ва ижтимоий ҳимояни таъминлашга қаратилган бўлиши шарт. Ҳозирги кунда халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, табиий монополияларни тўғри трансформация қилиш мамлакатнинг халқаро иқтисодий рейтингини яхшилади ва чет эл сармояси оқимини оширади.

Табиий монополияларнинг иқтисодий тизимдаги роли ва уларни самарали бошқариш масаласи халқаро миқёсда кўплаб мутахассисларни ўйлантираётган мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Хусусан, глобал иқтисодиётда рақобат муҳитининг издан чиқиши ва самарасизликнинг юзага келиши айни шу соҳалардаги нотўғри бошқарув оқибатида шаклланмоқда. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Стиглиц табиий монополиялар бозорда номутаносиблик ва самарасизлик манбаи эканлигини таъкидлайди. Хорижлик иқтисодчи олимлардан Стиглиц табиий монополиялар бозорда номутаносиблик ва самарасизлик манбаи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, “монополияларда рақобат етишмаслиги инновациялар суръати ва хизматлар сифатини пасайтиради. Стиглиц давлат тартибга солувчи институтлар самарадорлигини оширишни муҳим шарт сифатида кўради. Унинг назариясига кўра, инфратузилма соҳаларида давлат-хусусий шериклик модели монополияларнинг ижобий қайта тузилишини таъминлаши мумкин”[3]. Унинг қарашлари замонавий иқтисодий сиёсатда давлатнинг тўғридан-тўғри эмас, балки институционал воситалар орқали аралашуви зарурлигини кўрсатади. Бу эса, барқарор ва самарали бозор муносабатларини шакллантиришга хизмат қилувчи стратегияни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Табиий монополияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни тартибга солиш механизмлари бўйича мутахассисларнинг қарашлари ўзаро фарқли бўлса-да, аксарият олимлар самарали ислоҳларнинг институционал асосга таянишини қайд этадилар. Бу нуқтаи назардан келиб чиқиб, монополиянинг пайдо бўлишидаги объектив сабаблар ва уларни бартараф этиш усуллари долзарб ҳисобланади. Халқаро тоифадаги иқтисодчи олимлардан яъна бири Тироль табиий монополиялар иқтисодиёти бўйича мутахассис сифатида тартибга солиш назарияси асосчиларидан бири ҳисобланади. Унинг фикрича,

“монополиялар бозорда маълум харажатлар иқтисодиёти ва тармоқ интеграцияси сабабли пайдо бўлади. Тироль самарали тартибга солишнинг асосий шарти сифатида тарифларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини ҳисобга олишни кўрсатади. У "информатсия асимметрияси" ва "мотивлаш механизми" назариялари орқали давлат ва монопол субъектлар ўртасида шаффоф алоқаларни қуришга эътибор беради”[4]. Тирольнинг моделлари орқали юзага келадиган “тартибга солиш ва бозор ҳудудийлиги” ўртасидаги мувозанат концепцияси, ҳозирги кунда Европа Иттифоқи ва АҚШ тажрибасида кенг қўлланилмоқда. Шу сабабли, унинг назарий асослари инфратузилма ислохотларининг режалаштирилишида муҳим манба ҳисобланади.

Энергетика ва инфратузилма соҳаларида монополиянинг устуворлиги ва унинг самарадорликка таъсири мураккаб таҳлилни талаб қиладиган масалалардан ҳисобланади. Хусусан, бозор ислоҳлари жараёнида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали шериклик алоқалари муҳим стратегик йўналиш сифатида қайд этилмоқда. Иқтисодчи олимлардан Хелм энергетика ва инфратузилма соҳасидаги ислохотлар бўйича етук мутахассис ҳисобланади. Унинг таҳлилида “энергетик тармоқлар фаолиятида давлат-хусусий шериклик моделларининг самараси кенг ёритилган. Хелм таъкидладикки, табиий монополияларнинг барқарорлиги учун тариф сиёсати шаффоф, харажатларга асосланган ва сиёсий таъсирдан ҳоли бўлиши лозим. У шунга эътибор қаратадики, рақобат муҳитини шакллантиришда узок муддатли стратегия ва самарали прогнозлаш тизими бўлиши шарт”[5]. Унинг назарияси монопол бозорларда узок муддатли инвестициявий барқарорликни таъминлашда стратегик режалаштиришнинг муҳимлигини кўрсатади. Шу билан бирга, Хелмнинг таҳлиллари энергетика соҳасидаги давлат сиёсатига доир тавсиялар ишлаб чиқишда кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда табиий монополиялар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш моделининг ўзига хос жиҳатлари миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бунда халқаро тажрибалардан фойдаланиш билан бирга, миллий ҳуқуқий тизим хусусиятларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Юртимиз олимларидан М.Саидовнинг фикрича “Табиий монополиялар тушунчаси, МДХ мамлакатларида (шу жумладан,

Ўзбекистонда) кўпроқ ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, АҚШ ва Европа қонунчилигида «Табиий монополия» тушунчаси учрамайди. Бизнинг республикамызда табиий монополияларни тартибга солиш моделининг биринчи хусусияти табиий монополиялар субъектлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи умумий қонуннинг мавжудлиги ҳисобланади»[6]. Саидов таъкидлаётган ҳуқуқий ёндашувлар, табиий монополиялар субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини кучайтириш орқали иқтисодий барқарорликни таъминлашни кўзлайди. Бундай тизим, миллий бозорда шаффофлик ва самарадорликни таъминлашда институционал пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Табиий монополияларни ислоҳ қилишга қаратилган сиёсат ва амалий механизмлар мураккаб бозор муносабатлари шароитида яхлит тизимга айланмоқда. Иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида жаҳон тажрибаси ва миллий ўзгаришлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодчи олимларимиздан А.Расулев, Д.Тростянский, Н.Ганиходжаеваларнинг фикрича, “Табиий монополияларни ислоҳ қилиш бўйича жаҳон амалиёти демонополизацияга қаратилган қатор механизмлардан фойдаланиш билан характерланади. Улар орасида рақобатбардош муҳитни шакллантириш, бозорда вертикал интеграцияланган компанияларнинг монопол мавқега эга бўлишига йўл қўймаслик, бозор субъектларининг табиий монополиялар инфратузилмаси ва хизматларига эркин киришини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун тўсиқларни олдини олиш ва бартараф этиш каби йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу эса, асосан бозорга йўналтирилган, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатларига эмас, балки улар фаолият юритадиган бозор муҳитига таъсир ўтказишга қаратилган янги тартибга солиш парадигмасини қабул қилиш имконини бери»[7]. Олимларнинг мазкур ёндашуви бозор инфратузилмасини модернизация қилиш, хизматлар самарадорлигини ошириш ва монопол субъектлар фаолияти устидан таъсирчан назорат механизмларини шакллантиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, табиий монополиялар фаолиятини бозор шароитига мослаштириш ва рақобат муҳитини ривожлантириш миллий иқтисодиёт учун стратегик устуворлик касб этади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тадқиқотнинг методологияси табиий монопол ташкилотларнинг бошқариш ва тартибга солишдаги муаммоларига бағишланган чет эллик олимларнинг ишлари, илмий назарий ва амалий қоидалар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари ташкил этиб, уларнинг ўрганган ҳолда амалий жиҳатдан асосли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган усуллари ўз ичига қамраб олади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида фаолият юритаётган табиий монополиялар давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлик ва ресурслардан самарали фойдаланиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. Табиий монополиялар деб асосан энергия таъминоти, сув хўжалиги, темир йўл ва алоқа соҳаларида фаолият юритаётган субъектлар тушунилади. Бу соҳаларда рақобатни тўлиқ таъминлаш қийинлиги, улкан инфратузилма сармоялари ва ижтимоий аҳамиятли хизматлар кўрсатилиши уларни давлат назорати остида ушлашни тақозо этади. Бироқ, глобаллашув ва бозор механизмларини кенг жорий этиш шароитида табиий монополиялар фаолиятини ислоҳ қилиш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалага айланди.

Аввало, ислохотларнинг стратегик йўналиши сифатида табиий монополия субъектларининг молиявий ва операцион фаолияти шаффофлигини таъминлаш, ҳисобдорлик ва самарадорлик мезонлари асосида баҳолаш тизимини жорий этиш лозим. Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро ташкилотлар 2017–2023 йиллар мобайнида олиб борган тадқиқотларида таъкидланганидек, табиий монополияларнинг самарали фаолияти учун молиявий очиқлик ва ҳисобот беришнинг халқаро стандартлари асосида юритилиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади[8].

Иккинчидан, бозор механизмларини жорий этиш ва квази-бозор муҳитини шакллантириш усуллари орқали монопол субъектлар ўртасида рақобат элементларини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, инфратузилмадан умумий фойдаланиш тамойилини жорий этиш ва

“тармоқлардан тенг фойдаланиш” принципи асосида алоҳида хизмат кўрсатувчи компанияларни жалб этиш орқали бозорни диверсификация қилиш мумкин. Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасида, айниқса Германия ва Францияда, 2015–2020 йилларда транспорт ва энергетика соҳаларида айнан шу усул муваффақиятли татбиқ этилган[9].

Учинчидан, корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш орқали табиий монополиялар фаолиятида профессионал менежментни кучайтириш, давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ҳам муҳим вазифадир. Мазкур усул «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖда 2021–2024 йилларда босқичма-босқич жорий этилаётган ислохотларда ўз ифодасини топган[10]. Масалан, 2022 йилда “Ўзбекистон темир йўллари” таркибида логистика бўйича янги хизматлар хусусий шериклар билан биргаликда ташкил этилиб, хизмат кўрсатишда нарх аниқлиги ва тезкорлик ошгани кузатилган.

Тўртинчидан, тариф сиёсатида ижтимоий адолат ва иқтисодий манфаат ўртасида мувозанатни таъминловчи механизмларни жорий этиш зарур. Бу борада нархларни тартибга солишда кросс-субсидиялардан воз кечиш, аниқ харажатлар ва самарадорлик кўрсаткичлари асосида тарифлар шакллантириш тавсия этилади. Халқаро валюта жамғармаси (IMF)нинг 2023 йилдаги ҳисоботида таъкидланганидек, табиий монополияларда иқтисодий асосланган тариф сиёсатини жорий этиш уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келади.

Бешинчидан, рақамли технологияларни жорий этиш орқали табиий монополияларда хизмат сифатини ошириш ва харажатларни оптималлаштириш мумкин. Масалан, интеллектуал ҳисоблагичлар, автоматлаштирилган назорат тизимлари, big data таҳлиллари хизматларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон банкининг 2022 йилги таҳлил натижаларига кўра, рақамлаштириш орқали хизматлар самарадорлиги ўртача 15–18% га ошгани кузатилган[11].

Миллий иқтисодиётда табиий монополияларни ислоҳ қилиш — давлат бошқарувининг стратегик вазифаси бўлиб, унинг муваффақияти ислохотларнинг илмий асосланганлиги, институтчионал механизмларнинг мукамаллиги ва фуқаролар манфаатларини эътиборга олган ҳолда амалга

оширилишига боғлиқ. Ушбу жараёнда халқаро тажрибадан фойдаланиш, рақобат муҳитини рағбатлантириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда товар ва молия бозорида рақобат муҳитини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш, шунингдек табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат томонидан (наrx орқали) тартибга солиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Табиий монополияларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши, рақобатни тартибга солиш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ 60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 131-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги ва “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунларини бирлаштириш орқали давлатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш ҳоллари ва унга нисбатан монополияга қарши талабларни белгилаш, табиий монополия ҳолатини аниқлаш бўйича ҳуқуқий инструментларни кенгайтириш юзасидан Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Қонунчилик палатасига киритиш белгиланган эди. Мазкур Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қонун ташаббускори яъни Вазирлар Маҳкамаси томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиди ва Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилди. Мазкур Қонун 2023 йилнинг 3 июлда қабул қилинди президент томонидан имзоланиб (ЎРҚ-850-сон,) 2023 йилнинг 4 октябридан кучга кирди. Шу асосда “Табиий монополиялар тўғрисида”[12]ги Қонуни ўз кучини йўқотди ва табиий монопол корхонларнинг фаолиятини Ўзбекистон Республикасиг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни билан тартибга солиб келинмоқда. Янги таҳрирдаги Қонунни қабул қилингандан сўнг, мамлакатимизда табиий монополия шароитида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини камситилишига олиб келадиган ҳаракатларни назорат қилишни амалга ошириш ҳамда уларга чек қўйиш

билан боғлиқ бўлган, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солинмоқа.

Савол туғилади ўзи табиий монопол корхонаси деганда қандай корхоналар тушинилади Ўзбекистон Республикасиг “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида ““табиий монопол корхонага” тушунча берилган бўлиб бу тоифага табиий монополия шароитларида товарларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни асосий фаолият тури сифатида амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳини ташкил этади”[13] деб белгилаб берилган.

Бугунги кунда Республикадамизда табиий монополия субъектлар рўйхатига асосан 2025 йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра Табиий монополия субъектлар, 10 турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича 78 та хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган.

Мамлакатимиздаги Табиий монопол корхоналар томонидан нефть, нефть маҳсулотларини қувур орқали транспортировка қилиш, газни қувур орқали транспортировка қилиш ва тақсимлаш, электр ва иссиқлик энергиясини транспортировка қилиш ва тақсимлаш, умумий фойдаланишдаги темир йўллар инфратузилмаси хизматлари, қувурлар орқали ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати, аэронавигациялар ва аэропортлар хизматлари бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда.

Табиий монополияларни таркибий ислоҳ қилиш тизимда самарадорликни ошириш ва рақобатни ривожлантириш орқали бир қатор ишлар амалга оширилиши натижасида Табиий монополия субъектларининг Давлат реестридаги 11 турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) 1 тага камайишига ҳамда 89 та хўжалик юритувчи субъектлар сони 11 тага камайишига эришилди^[14].

Табиий монопол субъекти бўлган темир йўл хизматлари соҳасини ислоҳ қилиш бўйича, соҳада рақобат муҳитини яратиш ва тизимга хусусий секторни кенг жалб қилиш, тизим жараёнларини рақамлаштириш, бошқарувнинг энг замонавий моделларини жорий этиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналар негизида алоҳида йўналишлар ташкил этиш белгиланди. Жумладан, электр таъминоти, йўл хўжалиги, сигналлаштириш ва алоқа, локомотив хўжалиги, юк

станциялари иш фаолиятини таъминлаш ва ягона диспетчерлик маркази ҳамда ушбу инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича тизимда алоҳида “Темирйўлинфратузилма” АЖ ташкил этилди. Бундан ташқари, юк вагон ва контейнер хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш, юк ташиш хизматларини амалга ошириш, логистика марказлари ва терминалларини ҳамда мультимодал “эшикдан эшиккача” ташувларни йўлга қўйиш бўйича – “Темирйўлкарго” АЖ фаолияти йўлга қўилиши натижасида тизимда истеъмолчиларга яна бир қлайликлар барпо этилди.

Юқори тезликда юрадиган электр поездларида йўловчиларни ташиш хизматини кўрсатиш ҳамда юқори тезликда юрадиган электр поездлар хўжалигини ривжлантириш ва сақлаш бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизимидаги “Темирйўлэкспресс” АЖ ташкил этилди ва бу фаолият три “Темирйўлэкспресс” АЖга ўтказилди.

“Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ таркибида вокзалларни тартибга солиш бўйича “Темир йўл вокзаллари” МЧЖ ва шаҳар атрофида йўловчиларни етказиб қўйиш бўйича “Шаҳар атрофида йўловчи ташиш” МЧЖга ўтказилиши натижасида “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖнинг бир қанча хизматлари камайишига ва сифат даражасини ошишига хизмат қилмоқда.

Халқаро тажрибани кўрадиган бўлсак, хорижий ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг аксариятида табиий монополияларнинг фаолиятини мустақил бозор регуляторлари тартибга солиб келинмоқда. Ривожланган давлатларнинг аксариятида табиий монопол корхоналарга давлат аралашуви қисқармоқда. Масалан, Буюк Британияда табиий монопол корхоналар сони аниқ бир статистик рақамда ҳисобланмайди, аммо энг муҳим соҳаларда (масалан, энергия таъминоти, транспорт, сув таъминоти) табиий монополиялар мавжуд. Ушбу соҳаларда, бозорнинг хосиятлари сабабли, бир нечта компаниялар ўрнига фақат битта компания фаолият кўрсатиши эффектив бўлади. Масалан, электр энергияси таъминоти ва ҳаво транспорти каби соҳаларда асосий операторлар монопол вазиятда бўлиб, аҳолиини ушбу хизматлар билан таъминлашади. Бу йўналишда давлат аралашуви кескин камайган.

Францияда ҳам табиий монополиялар сони аниқ ҳисобланмаган, лекин асосий соҳаларда - электр энергияси, газ, темир йўл, сув таъминоти каби

соҳаларда бир неча йирик табиий монополия компаниялар фаолит юритиб келмоқда. Францияда давлат аралашуви мавжуд. Бу соҳаларда давлат ёки давлат агентликлари қатор компанияларда улушга эга ёки тўла назорат қилиб боришмоқда. Шунингдек, регулятор органлар табиий монополиялар фаолиятини назорат қилади ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Бугунги кунда табиий монополияларни таркибий ислоҳ қилиш бўйича бир нечта йўналишлар мавжуд бўлиб буларни кўрадиган бўлсак, Биринчи йўналиш бу секторларни бўлиш ёки ажратиш. Табиий монополиянинг турли фаолиятларини алоҳида қисмларга ажратиш, масалан, хизмат кўрсатиш ва инфратузилмани ажратиш орқали бўлиш. Бу орқали монополиянинг фаолиятини рақобатни ривожлантириш учун ажратиш ва соҳаларни алоҳида бошқариш мумкин. Мисол учун, энергетика тармоғида ишлаб чиқариш ва тақсимлаш функцияларини ажратиш.

Иккинчи йўналиш хизмат кўрсатиш нархларини тартибга солиш. Табиий монополиялар нархларни ошириш имконига эга бўлиши мумкин, чунки улар бозорни монополиялашган. Нархларни тартибга солиш ёки тарифларни белгилаш орқали фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш мумкин. Бу, давлат томонидан тартибга солинган нархлар орқали амалга оширилади.

Учинчи йўналиш очиқ рақобат учун имконият яратиш. Рақобатни ошириш учун, табиий монополиянинг баъзи қисмларига рақобатни киритиш мумкин. Масалан, энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш ва тақсимлаш соҳаларини ажратиб, рақобатни ривожлантиришга имкон берадиган бўлимларга ажратиш мумкин.

Тўртинчи йўналиш хизмат сифатига ошириш. Табиий монополиянинг хизмат сифатига ошириш учун ислоҳлар амалга оширилади. Бу орқали технологиявий янгиланишлар, хизматларнинг сифатига яхшилаш, хизматни узилишларсиз ва ўз вақтида тақдим этиш учун янги тизимлар жорий қилинади.

Бешинчи йўналиш хусусийлаштириш. Баъзи ҳолларда табиий монополияларни хусусийлаштириш орқали рақобатни яхшилаш ва самарадорликни ошириш мумкин. Хусусий секторга ўтиш орқали янги инновацион ёндашувлар киритилиши ва бошқарувни яхшилаш мумкин.

Бу йўналишлар турли мамлакатларнинг иқтисодий шароитларига қараб турлича амалга оширилади. Табiiй монополияларни ислоҳ қилиш жараёнида улар халқаро стандартлар ва самарадорликни ҳисобга олиб амалга оширилиши лозим.

Биргина мисол бугунги кунда юртимизда истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси бир қатор муаммолар учрамоқда, жумладан куз-қиш мавсумида электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб беришда бир қатор узилишлар кузатилмоқда.

Электр энергиясини етказиб бериш хизматларига хусусий секторни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш орқали истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришда электр линияларини ва трансформаторларни ўз вақтида профилактика қилиш ва замонавий энергия тежовчи технологияларини киритиш орқали янгилаш натижасида электр энергиясини етказишда узилишлар ва ғавқулотда вазиятларнинг олди олинишига эришилади.

Яна бир муҳим масала табiiй монопол субъекти бўлган иссиқлик энергиясини етказиб бериш хизматини кўрстувчи иссиқли манбаи корхонлари фаолиятини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги 100-сонли “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга асосан “марказлашган иссиқлик тизимларидаги эскирган 103 та қозонхона ва 1,6 минг километр иссиқлик тармоғини, шу жумладан, 2025-2026 йилларда 18 та қозонхона ва 258 километр иссиқлик тармоғини янгилаш белгиланмоқда. Бундан ташқари қарорда марказлашган иссиқлик таъминоти қамровини 37 фоиздан 58 фоизгача етказиш, тизимдаги йўқотишларни 38 фоиздан 20 фоизгача қисқартириш”[15] назарда тутилмоқда.

Кўп квартирали уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларига 8 681 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш (2025 йилда 480 та), марказлашган иссиқлик таъминотини ёпиқ тизимга ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, марказлашган иссиқлик таъминотига уланмаган тўрт ва ундан юқори қаватли кўп квартирали уй-жойларнинг иситиш тизимида локал

қозонхоналар қуриш ва бошқа муқобил технологияларни жорий этиш ҳисобига бир хонадоннинг газга бўлган талабини камида 20 фоизга камайтиришга эришилади. Мазкур қарор билан иссиқлик таъминоти соҳасида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланадиган манбалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, хизматлар сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, ҳисоб-китоб тизимини тартибга солиш ва операцион самарадорликни ошириш орқали корхоналарнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача самарали тизимни жорий этиш, тизимларда йўқотишларни камайтириш чораларини кўриш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш белгиланмоқда. Энг муҳим йўналиш мазкур соҳада жозибадор инвестиция муҳитини яратиш, давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий қилиш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш йўналишларини белгиланмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда табиий монополия субъектларини ислоҳ қилиш йўналишида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Йиғилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, табиий монополияларни ислоҳ қилиш фақат иқтисодий самарадорлик билан чегараланмайди, балки унинг ижтимоий, сиёсий ва экологик оқибатлари ҳам чуқур таҳлил этилиши зарур. Ўзбекистон шароитида бу ислохотлар давлатнинг тартибга солувчи функцияларини такомиллаштириш, хусусий секторни фаол жалб қилиш ва замонавий корпоратив бошқарув стандартларини жорий этиш билан узвий боғлиқ. Агар ушбу жараён халқаро тажриба асосида олиб борилса, унда мамлакатда инфратузилмавий хизматларнинг сифатини яхшилаш ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Табиий монополиялар ислохотининг изчил ва шаффоф амалга оширилиши, жаҳон бозорида рақобатбардош иқтисодиёт яратишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади.

Табиий монополиялар миллий иқтисодиётнинг стратегик сегменти сифатида нафақат ижтимоий барқарорликни таъминлаш, балки тармоқлараро мулоқотни оптималлаштириш орқали иқтисодий ўсишга хизмат қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, уларнинг фаолиятида бозор механизмларини жорий этиш, хусусан, рақобатбардош субподряд тизимларини ташкил қилиш зарурати пайдо бўлди. Давлатнинг танлов асосида хусусий операторларни жалб этиши инфратузилмадан самарали фойдаланиш имконини яратади. Монопол субъектлар фаолиятини тартибга солиш органлари томонидан таннарх ва хизмат сифати мезонлари асосида баҳолаш амалиётини кучайтириш лозим. Бунда ижтимоий аҳамиятга эга хизматлар учун давлат субсидияларини самарали йўналтириш механизми ишлаб чиқирилиши даркор.

Тариф сиёсатини қайта кўриб чиқиш, табиий монополиялар ислохотларининг бош мезони бўлиши керак, чунки нарх шакллантиришдаги ноқулай механизмлар аҳоли ва бизнес учун иқтисодий юкни оширмоқда. Мазкур муаммони ҳал этиш мақсадида “харжат+оқилона фойда” формуласига асосланган замонавий тариф тизими ишлаб чиқирилиши керак. Бунда харажатларнинг шаффофлиги ва хизматнинг сифат кўрсаткичлари асосида тарифлар шакллантирилиши лозим. Кросс-субсидиялардан аста-секин воз кечиш ва ижтимоий заиф қатламларга мақсадли компенсациялар механизминини жорий этиш орқали иқтисодий адолат тамойиллари таъминланади. Бу орқали тариф сиёсатининг ижтимоий таъсири камайиб, корпоратив молиявий барқарорлик ошиши кутилмоқда.

Рақамли технологияларни жорий этиш — табиий монополияларни ислох қилишдаги стратегик драйверлардан бири сифатида қаралиши лозим. Хизматлар сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартириш ва харажатларни оптималлаштириш мақсадида “ақлли тармоқлар”, “IoT” (интернет нарсалар) ва “Big Data” технологияларини жорий этиш орқали монополия субъектларининг самарадорлигини ошириш мумкин. Масалан, автоматлаштирилган ҳисоблаш тизимлари орқали сув ва электр энергияси истеъмолининг аниқ ҳисобини юритиш ижтимоий адолатни таъминлайди. Бу жараёнларда хусусий IT-компаниялар ва стартаплар иштирокини рағбатлантириш ҳам инновацион муҳитни шакллантиради. Ҳукумат

томонидан рақамли ислохотлар учун алоҳида дастур асосида имтиёзли молиявий маблағлар ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. IMF Working Paper, 2019, Natural Monopoly Regulation and Economic Growth
2. World Bank (2019). Reforming Infrastructure Regulation for Economic Efficiency.
3. Stiglitz, J. (2012). The Price of Inequality. W.W. Norton & Company.
4. Tirole, J. (2014). The Theory of Industrial Organization. MIT Press.
5. Helm, D. (2017). Burn Out: The Endgame for Fossil Fuels. Yale University Press.
6. Саидов М. С. Ўзбекистонда табиий монопол ташкилотларни бошқариш ва тартибга солишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. – Т. 3.
7. Расулев А. Ф. и др. Дерегулирование естественных монополий: потребность и логика реформирования //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2017. – №. 9. – С. 1-6.
8. World Bank (2020). "Enhancing Competition in Natural Monopolies: Lessons from Global Practices." World Bank Publications.
9. International Monetary Fund (IMF, 2023). "Reforming Public Utilities in Developing Economies: Pricing and Regulatory Frameworks." IMF Working Paper.
10. Uzbekistan Airports JSC (2021-2024). "Corporate Governance Reforms and Efficiency Enhancement in the Air Transport Sector of Uzbekistan." Uzbekistan Airports Annual Report.
11. OECD (2022). "Governance and Regulatory Reform in Natural Monopoly Sectors." OECD Economic Studies.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунига шарҳ, Шарҳ нашриёти, Тошкент-2009.
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.07.2023 йилдаги ЎРҚ-850-сон Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни

14. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори, 11.10.2010 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2147 Табiiй монополия субъектларининг давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 мартдаги 100-сонли “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори